

Ўлчов воситаларини турини тасдиқлаш ва синов тизимларининг умумий тавсифлари

Режа:

1. Ўлчаш воситалари ва уларнинг вазифалари.
2. Давлат синовларини ўтказиш ва хилини тасдиқлаш.
4. Ўзбекистондаги синов марказлари

1. Ўлчаш воситалари ва уларнинг вазифалари.

“Метрология тўғрисида” Қонунга мувофиқ ўлчаш учун фойдаланиладиган ва меъёрланган метрологик хоссаларга эга бўлган техник восита ўлчаш воситаси деб аталади. Техник воситаларни ўлчаш воситалари қаторига киритиш мезонини Ўзстандарт Агентлиги белгилайди. Фойдаланишда бўлган ўлчаш воситалари ўлчаш натижаларини қонуний бирликларда белгиланган аниқликда таъминлаш ва қўлланиш шароитларига мувофиқ келиши лозим.

Таърифланишига кўра, физик катталиқ бирлигининг ўлчамини бошқа ўлчаш воситаларига бериш мақсадида физик катталиқ бирлигини қайта тиклаш ва сақлаш учун мўлжалланган бирликлар эталонларини ўлчаш воситалари сифатида қабул қилиш мумкин.

Ўзстандарт Агентлиги метрология бўйича миллий идора сифатида эталонларни яратиш, тасдиқлаш, сақлаш ва қўлланиш тартибини ўрнатади.

Ўзстандарт Агентлиги тузилмасида Миллий эталонлар маркази ишлайди. Бу марказда 9 миллий эталон сақланади, буларнинг тўрттаси бирликларнинг ишчи эталони (вақт ва частота, ўзгарувчан ток кучланиши, босим, узунлик) ва бештаси ўлчаш намунавий воситалари (ҳаводаги газ аралашмасининг массаси улуши, электр сиғимлиқ, индуктивлик, масса, суюқликлар сарфи ва ҳажмини ўлчашлар).

Миллий эталонлар билан бир қаторда халқаро ташкилот тасдиқлаган халқаро эталонлар ҳам бор. Масалан, Францияда Ўлчовлар ва тарозилар Халқаро бюроси тасдиқлаган килограмм бирлигининг халқаро эталони.

Ўзининг вазифаси ва қўлланиш соҳасига кўра, моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналари ҳам ўлчаш воситаларига киради. Стандарт намуналар бўйича батафсил маълумот қуйида келтирилган.

Ўлчаш воситалари турли бирликларни (масса, температура, босим, частота, вақт, ток кучи ва б. ни) ўлчаш учун одамларнинг ҳаётий фаолиятининг турли соҳаларида (саноат, савдо, қурилиш, маиший ва ҳ.к.) фойдаланилади. Кенг фойдаланиладиган ўлчаш воситаларига, масалан, тарозилар, термометрлар, манометрлар, чизғичлар, соатлар киради.

Ўлчаш воситаларидан давлат метрологик текширув ва назорати қўлланиладиган соҳада ва бошқа соҳада (масалан, маиший ҳаётда) ҳам фойдаланиш мумкин. Давлат метрологик текширув ва назорати қўлланиладиган соҳада фойдаланиладиган ўлчаш воситалари давлат метрологик хизмат томонидан текширилади.

Ўзстандарт Агентлиги Ўзбекистон Республикасида қўлланишга рухсат этилган ўлчаш воситаларини давлат рўйхатидан ўтказди.

Давлат метрологик текширув ва назорати қўлланиладиган соҳада фойдаланиладиган ўлчаш воситалари ишлаб чиқарилгандан кейин, таъмирлашдан кейин, импорт бўйича келтирилганда ва фойдаланилганда мажбурий равишда қиёсланади.

Ўлчаш воситаларини қиёслашда метрологик текширув ҳар бир нусха ўлчаш воситасининг меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган техник талабларга мувофиқлигини экспериментал баҳолашдан ва мазкур нусхадан ўз вазифаси бўйича ва регламентланган шароитларда фойдаланишни давом эттириш мумкинлигини аниқлашдан иборат бўлади.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш тартиби ва қоидаларига талаблар O'z DSt 8.003:2005 “ЎЗ ЎДТ. ўлчаш воситаларини давлат рўйхатидан Ўлчаш воситаларини қиёслаш. Асосий низомлар.”да белгиланган.

Вазифаси ва қўлланишига қараб қиёсланиши лозим бўлган ўлчаш воситаларининг рўйхати ўлчаш воситаларидан фойдаланувчилар томонидан аниқланади ва давлат метрологик хизмати идоралари томонидан текширилади.

Бундай рўйхатларни тузиш тартибини Ўзстандарт Агентлиги белгилайди.

Давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасидан ташқарида қўлланиладиган ўлчаш воситалари калибрланади.

Давлат текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳаларда фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича келтириладиган ўлчаш воситалари (ЎВ) давлат синовларидан ўтказилиб, уларнинг хили тасдиқланиши ёки метрологик аттестатланиши лозим.

2. Давлат синовларини ўтказиш ва хилини тасдиқлаш.

Давлат синовларини ўтказиш, хилини тасдиқлаш ва ЎВ ни Давлат рўйхатига киритиш ишларини Ўзстандарт Агентлиги бажаради.

Тайёрловчи тасдиқланган ЎВ га ёки уларнинг эксплуатацион ҳужжатларига Давлат рўйхатининг белгисини ёзиши шарт.

Бошқа давлатларнинг ўлчаш воситаларини синаш ва метрологик аттестатлаш натижалари тузилган шартномалар ва битимларга мувофиқ тан олинади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида синовларни ташкиллаштириш, ўтказиш тартиби ва мазмунига талаблар ва давлат метрологик текшируви ва назорати соҳасида қўлланилиши мумкин бўлган ЎВ нинг хилини тасдиқлаш тартиби О'z DSt 8.009:2004 да ўрнатилган.

О'z DSt 8.009:2004 стандартнинг талаблари Ўзбекистон Республикасида яратиладиган ва (ёки) серияли ишлаб чиқарилиши мўлжалланган ЎВ га ва Ўзбекистон ҳудудига импорт бўйича тўпи билан келтириладиган ўлчаш воситаларига нисбатан қўлланилади.

Давлат метрологик текшируви ва назорати қўлланиладиган соҳадан ташқарида қўлланиладиган ёки қўлланишга мўлжалланган ЎВ ихтиёрий равишда синовга ва кейинчалик хилини тасдиқлашга тақдим этилиши мумкин.

ЎВ унинг қонун талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш схемасининг элементи бўлиб ҳисобланади ва бундай тасдиқлаш Ўзстандарт Агентлиги томонидан ўрнатилган тартибда ўтказилади.

Ўлчаш воситаларини қиёслаш. Давлат синовларини ўтказиш, хилини тасдиқлаш Тўпи билан импорт бўйича келтириладиган, гигиеник талабларга, хавфсизлик талабларига, маҳсус талабларга сертификатлаштирилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари бу процедуралардан ўрнатилган тартибда ўтгандан кейин ва зарур сертификатларни Ўзстандарт Агентлигига тақдим этгандан кейин хилни тасдиқлаш мақсадида синовларга топширилади.

Ўзбекистон ҳудудида яратиладиган ва (ёки) тўпи билан чиқаришга мўлжалланган ва гигиеник талабларга, хавфсизлик талабларига, маҳсус талабларга мувофиқлиги сертификатлаштирилиши лозим бўлган ўлчаш воситалари бу талабларга мувофиқлигини ўрнатилган тартибда баҳолаш мақсадида синовларга тақдим этилади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни метрология бўйича миллий идора – Ўзстандарт Агентлиги қабул қилади.

ЎВ нинг хили ЎВ нинг намуналарини (нусхаларини) синаш натижалари бўйича тасдиқланади. Синаш жараёнида ЎВ намуналарининг тафсилотлари ҳар томонлама тадқиқ қилинади ва бу тафсилотлар (характеристикалар) нинг мазкур ЎВ нинг хилига оид меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлиги аниқланади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида синовлар қабул комиссияси томонидан ўтказилади. Комиссия таркибини Ўзстандарт Агентлигининг бунга қарашли тузилмаларининг ва Ўзбекистон Республикаси метрологик

хизмати Бош маркази (Ўз МХБМ) вакиллари киритилиши лозим. Ўз МХБМ нинг вазифаси СМС ИТИ га юклатилган.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида ЎВ нинг намуналари (нусхалари) ни синаш О'z DSt 16.4:2001 ва О'z DSt 8.006:1999 бўйича аккредитланган синаш (ўлчаш) лабораторияларида ўтказилади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида синовлар бундай синовларни ўтказиши учун Ўзстандарт Агентлиги тайинлаган ташкилотнинг раҳбари тасдиқлаган синовлар дастури ва методикасига мувофиқ ўтказилади.

ЎВ нинг хилини тасдиқлаш мақсадида синовларни ЎВ ни синаш намунавий дастурлари бўйича ўтказиш ҳам рухсат этилади.

ЎВ нинг хилини Ўзстандарт Агентлиги илмий-техникавий комиссиясининг таклифларига асосан тасдиқлайди.

ЎВ нинг хили тасдиқлангандан кейин хилини тасдиқлаш мақсадида синовларни ўтказган ташкилотнинг раҳбари ЎВ текшириш методикасини (илгари тасдиқланган методика йўқ бўлган ҳолларда) ва ЎВ хилининг тавсифини тасдиқлайди. Ўзстандарт Агентлиги Ўзбекистонда серияли ишлаб чиқаришга мўлжалланган ЎВ учун техник шартларни давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ўзстандарт Агентлиги тасдиқланган ЎВ хилини Ўз РХ 51-019:2005 бўйича Давлат рўйхатига киритади.

Тасдиқланган ҳужжатлар комплекти ЎВ давлат реестрининг ишида сақлаш учун топширилади.

Ўлчаш воситасини тайёрловчи-ташкилот хили тасдиқланган ЎВ га, Ўзбекистонда сериялаб чиқариладиган ЎВ га ва уларнинг эксплуатацион ҳужжатларига (ГОСТ 2.601 бўйича) ЎВ Давлат реестрининг белгисини О' 1.19:1999 бўйича ёзиб қўяди.

Хили тасдиқланган ЎВ га, Ўзстандарт Агентлиги тасдиқлаган тартибда, хилини тасдиқлаш тўғрисидаги сертификат берилади.

Ўлчов воситаларининг турларини тасдиқлаш

Давлат метрологик назорати доирасида қўлланадиган ўлчаш воситалари ЎзДст 8.002 - га мувофиқ, мажбурий равишда, хилини тасдиқлаш синовидан ўтишлари лозим. Ўлчаш воситаларини хилини тасдиқлаш учун, улар синалади ва синов жараёнида уларни метрологик қоидаларга, меъёрларга ва меъёрий ҳужжатларни талабларига жавоб бериши аниқланади. Синов натижалари бўйича “Ўзстандарт” агентлиги ўлчаш воситасини хилини тасдиқлаш ёки тасдиқламаслик ҳақида қарор қабул қилади.

Ўлчаш воситасини эгаси синовларни ўтказиш учун буюртма беради. Буюртма синовлар режалаштириладиган кварталнинг бошланишидан 30 кун

олдин берилади. Буюртмалар асосида “Ўзстандарт” агентлиги синовларни ўтказиш графигини тузади, графикда синовлар ўтказиладиган жой ва синов муддатлари кўрсатилиши лозим.

Қуйидагилар буюртма бериши мумкин:

- ўлчаш воситасига буюртма берувчи ташкилот;
- ўлчаш воситасини яратувчи ташкилот;
- ўлчаш воситасини ишлаб чиқарувчи ташкилот;
- ишлаб чиқарувчидан тарқатувчи ташкилот;
- ўлчаш воситасини ҳаридори, истеъмолчиси;
- импортёрлар;
- чет эл фирма ва ташкилотларининг расмий вакиллари.

Синовлар давомийлиги икки ойдан ошмаслиги керак. Баъзи бир ҳолларда, “Ўзстандарт” агентлиги билан келишув асосида, синовлар муддатлари узайтирилиши мумкин.

“Метрология тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган доираларда фойдаланиладиган, ишлаб чиқарилиши ва импорт бўйича четдан олиб келиниши лозим бўлган ўлчов воситалари давлат синовларидан (кейинчалик уларнинг турини тасдиқлаш шарти билан) ёки метрологик аттестациядан ўтказилиши лозим.

Ўлчов воситаларининг давлат синовларини ўтказиш, турини тасдиқлаш ва Давлат реестрига киритишни “Ўзстандарт” амалга оширади. (ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Тасдиқланган ўлчов воситаларига ёки уларнинг фойдаланиш ҳужжатларига ишлаб чиқарувчи Давлат реестри белгисини қўйиши шарт.

Бошқа давлатларнинг ўлчов воситаларини синаш ва метрологик аттестациялаш натижалари тузилган шартномалар ҳамда битимларга мувофиқ эътироф этилади.

Ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш

Текширувдан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхати “Ўзстандарт” томонидан тасдиқланади. (ЎЗР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни тахриридаги қисм)

Юридик шахсларнинг аккредитация килинган метрологик хизматларига ўлчов воситаларини текширувдан ўтказиш ҳукуки берилиши мумкин.

Бошқа давлатларда амалга оширилган ўлчов воситаларини текшириш натижалари халқаро шартномалар ва битимлар асосида эътироф этилади.

Синовларни ўтказиш тартиби. Синовларнинг натижаларини расмийлаштириш. Ўлчаш воситаларини турини тасдиқлаш.

Саноати ривожланган мамлакатлардаги синов марказлари.

Саноати ривожланган мамлакатлардаги синов марказлари ўзига хос тажрибаларга эга. **Саноати ривожланган мамлакатлардаги синов марказлари.** Сертификацион тизимнинг энг мухим элементлари синов лабораториялардир. Улар махсулотни муофиқлик белгиси билан тамғалаш ҳуқуқини берувчи сертификат ёки лицензия берганда махсулот сифати даражаси ишончли баҳоланишини таъминлайди

Сертификатлаштириш пайтида махсулот сифати даражасининг ишончли баҳосини олиш ҳар бир мамлакат олдида синов лабораторияларининг миллий тармоқларини яратиш масаласини қўяди.

Францияда синовларнинг миллий тармоғи RNE мавжуд. У ягона қоидалар ва процедуралар асосида синовларнинг юқори сифати ва бирлигини таъминлайдиган мувофиқлаштирилган кўп тармоқли синов лабораторияларининг ягона мажмуидир.

Синовларнинг миллий тармоғи RNE олдига уч мақсад қўйилган эди:

1. синов лабораторияларини аккредитлаш тизимини яратиш ва бошқариш бўйича ишларни бажариш, шунингдек, синов лабораториялари иши сифати ҳақида кенг маълумотни таъминлаш.

2. қуйидагиларни амалга ошира оладиган миллий органни яратиш:

- ўз ичига такомил ахборотлаш ва синов лабораториялар хизматларидан корхоналар бемалол фойдаланишини олган синовларнинг миллий сиёсатини:

- амалдагилар билан биргаликда синовлар янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича француз стандартлаштириш асоцацияси (AFNOR) билан бўлиш;

- ишларни келишиш ва мувофиқлаштириш, лабораторияларни техникавий жихозлашга сарфланадиган капитал маблағларни оптималлаш;

3. Хорижда фаолият кўрсатаётган ўхшаш аккредитлаш тизимли лабораториялар томонидан ўтказилган синовлар натижаларни тан олишни таъминлайдиган давлат даражасидаги тузилмани яратиш. Бу мақсадлар деярли амалга оширилган.

RNE таркибига бешта энг катта тармоқли синов марказлари киради:

-Ёғоч ишлаш саноати техникавий маркази (CSTB);

-Амалий кимё илмий-тадқиқод маркази (IRCHA);

-Марказий электротехника саноати лабораторияси (LCIE);

-Марказий йўл-кўприк қуриш лабораторияси (LCPC);

-Миллий синовдар лабораторияси (LNE).

LNE ўлчамлар, масса, босим, ҳарорат ҳамда спектрорадиофотометрия, ионловчи нурланиш соҳасида ўлчаш воситаларини текширийдиган энг катта синов ташкилотидир. Лаборатория стандарт намуналар ишлаб чиқаради.

LNE Германия миллий синов лабораториялари, АҚШ, Белгия, Голландия,

Италия, Япония ва бошқа синов лабораториялари билан алоқани амалга оширади. Ундан ташқари, у ривожланаётган мамлакатларга метрология, ва синаш стандартлаштириш, тадқиқотлар ўтказиш, метрологик ва синов лабораторияларни яратиш, кадрлар тайёрлаш, қўшма тадқиқотлар ва бошқаларга ёрдам қилади.

Буюк Британияда 1960-йилда NPL Миллий физик лабораторияси қошида синов лабораториялари аккредитлаш Миллий тизим (NATLAS)ни яратиш ҳақида қарор қабул қилинган. NATLAS синов лабораториялари синовларини ўтказишга тайёргарлигини баҳолаш, аккредитлаш ва аттестат бериш ҳамда аккредитланган лабораториялар рўйхатини нашр қилиш керак. у саноат корхоналарга лабораториялар имконлари ва уларни синов воситалари ҳақида фикрлаш имконини беради.

NATLAS доирасида ҳамма ташкилий ишларни, синов жихозларини атестациялаш масалаларини Британия метрология хизмати (BCS) билан келишиб, Миллий физика лабораторияси олиб боради. BCS барча ўлчаш воситаларини текширади ва чизмаий хулоса чиқариб беради. NATLAS ва BCS иш дастурлари бир-бирини тўлдиради.

- тизимнинг асосий тамойиллари ва иш усулларини;
- тизимни бошқариш бўйича ишларни;
- синов лабораторияларини баҳолаш мезонлари;
- аттестат шаклини;
- тизим тузилмаси ва уни тарқалиш доираларини жорий қилади.

АҚШда синов лабораторияларини аккредитлаш Миллий дастури (NVLAP) АҚШ Савдо вазирлиги қошида яратилган. NVLAPни яратиш зарурати АҚШда давлат органлари қошида ҳам, хусусий ташкилотлар қошида ҳам фаолият кўрсатаётган лабораторияларни баҳолайдиган кўп тизимлар мавжудлигида.

NVLAP синов лабораторияларини аккредитлаш бўйича алоҳида дастурларни аккредитлашни назарда тутди. Дастурлар махсулотни стандартларга (миллий ёки халқаро) муофиқлигини синаш жабхаларини, синов усуллари ва мезонларини белгилайди.

NVLAP доирасида аккредитланиш учун синов лабораторияси чизмаий равишда буюртма беради, унга лаборатория ишини ташкил қилиш ва унинг фаолияти доираси ҳақида маълумот илова қилинади. Аккредитациядан ўтган лабораторияга у қайси усуллар бўйича аккредитланганлиги кўрсатилган сертификат берилади. Аккредитация учун қилинган харажатларни лаборатория тўлайди.

Айтиб ўтиш керакки, АҚШ Савдо вазирлиги NVLAP аккредитациясини АҚШ билан савдо қилаётган бошқа мамлакатлар ҳам тан олишга интилади. Ундан ташқари, Савдо вазирлиги синов синов лабораторияларини

аккредитлаш Халқаро конференцияси ишда фаол қатнашади. қатнашишнинг мақсади-синов лабораторияларининг аккредитацияси ва синов натижаларини ўзаро тан олишни тезлаштириш.

АҚШда фирмалар синов лабораторияларининг мавжуд махсулотларини такомиллаштириш ва махсулотнинг янги турларини истиқбол ишлаб чиқишдаги роли катта. Турли синовдар ва такомиллаштириш асосида лабораториялар фирмаларнинг махсулот сифатини ошириш бўйича фаолиятига сезиларли улуш қўшадилар.

Шарқий Европа мамлакатларидаги синов марказлари

Ривожланган мамлакатлардаги синов марказлари билан бир қаторда шарқий европа давлатларидаги синов марказлари тажрибаларини ҳам ўрганиш ижобий хулосалар чиқаришда муҳимдир.

Чехия синов лабораториялари фаолиятини муофиқлаштиришни стандартлаштириш ва ўлчашлар бошқармаси амалга оширади. Республикада 40 дан ортиқ синов лабораториялари фаолият кўрсатади. Электротехник синов институти, Машинасозлик синов институти ҳамда Чехия прибор ва жихозларни аттестациялаш институти каби лабораториялар бевосита стандартлаштириш ва ўлчашлар бошқармасига бўйсунди.

Бошқарма аккредитлаш натижалари бўйича ҳужжат беради, унга биноан лаборатория давлат синовларини ўтказиш, махсулотни қабул қилиш ва унинг сифатини баҳолаш ваколатларига эга бўлади. Бунга ваколатли лаборатория “№__ Давлат синов лабораторияси” номини олади. Бу лаборатория ўзи чиқарган махсулотни назорат қила олмайди.

Давлат синов лабораториялари қуйидаги вазифаларни бажаради:

- марказий органлар таклифига биноан мажбурий синов қилинадиган махсулот рўйхатини тасдиқлаш;
- махсулотни назорат синовларини ўтказиш, унинг техникавий даражаси ва сифатини аниқлаш;
- махсулотни ишлаб чиқариш ёки импорт қилиш учун рухсат бериш;
- ишлаб чиқарувчи корхоналарда сифатни бошқариш бўйича чоратадбирларни, стандартлаштириш бўйича ишларни, корхоналар назорат-ўлчаш асбоблари билан жихозланганлигини текшириш.

Давлат синов марказлари ўхшаш махсулотлар қиёсий синовлари натижаларини нашр этадилар. Лабораторияларда биринчи навбатда экспортга мўлжалланган буюмлар мажбурий аттестацияланади ва назорат қилинади.

Болгарияда махсулотнинг давлат синовини Давлат стандартлаштириш қўмитаси томонидан берилган тегишли ваколатларга эга лабораториялар ва марказлар (станциялар) амалга оширади. Давлат синов лабораториялари

импорт махсулотларнинг сертификацион ва қабул синовларини; экспорт махсулотни текширишни; материал; хом ашё ва махсулотни экспорт ҳамда арбитраж намунавий ва назорат синовларини; махсулотни аттестациялаш синовларини амалга оширади.

Болгарияда махсулот синашга мамлакат саноати ишлаб чиқараётган махсулот сифати даражасини аниқлаш ва буюмларнинг техникавий тавсифларни объектив аниқлашнинг асосий воситалари сифатида катта аҳамият беради.

Венгрияда махсулотни синаш бўйича иккита энг катта ташкилот фаолият кўрсатади: Ички савдонинг назорат институти ва Электротехник жиҳозларни синаш институти.

Назорат институти мажбурий текшириладиган миллий ва импорт қилинган буюмлар рўйхатини тасдиқлайди ва текширади. Институтнинг ижобий баҳосисиз улар савдо ташкилотларига тавсия қилинмайди.

Электротехник жиҳозларни синаш институти:

-электротехник махсулотни сертификациялаш синовларини;
-ишлаб чиқаришнинг техникавий назорат ташкилий ва усуллари бўйича назоратни маалга оширади.

Бу институт электр жиҳозларни қабул қилиш бўйича Халқаро комиссияда электр хавфсизликни сертификатлаштириш тизимида иштирок этади.

3. Ўзбекистондаги синов марказлари

Миллий сертификатлаштириш тизимининг ташкилий тузилмаси:

- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш органи (МСО) (Ўзстандарт);
- бир жинсли махсулотларни сертификатлаштириш бўйича илмий-услубий марказ ва услубий марказлар;
- бир жинсли махсулотларни ва хизматларни, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган органлар;
- аккредитланган синов лабораториялари (марказлари);
- назорат органларидан таркиб топган;
- МСО Ўзбекистон қонунчилигига биноан қуйидаги вазифаларни амалга оширади:
- Ўз РМСТнинг ягона қоидалари ва процедураларини, уларга риоя қилишни назоратини, сертификатлаштириш натижалари бўйича хужжатларни рўйхатга олиш, республика ва хорижий истеъмолчиларни информацион таъминотини жорий қилади;
- мувафиқлик белгисини ва уни қўллаш қоидаларини жорий қилади;

- Ўз РМСТни такомиллаштириш дастурлари лойихаларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим этади;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда халқаро сертификатлаштириш тизимларига қўшилиш ҳақида қарорлар қабул қилади ҳамда сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш ҳақида битимлар тузади;
- сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон номидан чиқади;
- сертификатлаштириш мажбурий маҳсулот ҳамда хизматлар рўйхатини шакллантиради ва юритади;
- республика сертификатлаштириш ишларини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради ҳамда уларнинг тўғри ўтказилиши устидан назорат қилади;
- бир жинсли маҳсулот, сифат тизимлари, ишлаб чиқариш ва синов лабораториялари (марказларини)ни аккредитлайди;
- эксперт-аудиторлари аттестациялайди ва уларни фаолияти устидан назорат қилади;
- Ўз РМСТ Давлат реестрини юритади;
- маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича ишлар ва сертификатлаштириш органлари ҳамда синов лаборатори (марказ)ларни аккредиташ учун тўлов шакли ва тартибини белгалайди;

СМСХМ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ишлаб чиқарувчи ва маҳсулот етказиб берувчиларга сертификатлаштириш қоидалари ҳақида чизмаий ахборот беради;
- сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш давлат назоратини амалга оширади ва улар сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назоратини ўрнатади ва бошқалар.

Сертификатлаштириш ва назорат қилиш вазифаларини амалга ошириш учун СМСХМлар умумий қоидага асосан Ўз РСТ 5.2, Ўзбекистон РСТ 5.3 ва Ўз РСТ 5.4 га биноан аккредитациядан ўтиши керак. Аккредитациядан кейин СМСХМ синов турлари ва сертификатлаштирилган маҳсулот турларини аккредитлашнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Аккредитациядан ўтган синов лабораториялари (марказлари) ЎзР МСТ да қуйидаги асосий вазифаларни бажаради.

- маҳсулотнинг серфикация синовларини ўтказиш ва синовлар баёнларини бериш.

- серфикалаштириш тартибида назарда тутилган бўлса серфикатлаштирилган маҳсулот намуналарини инспекция (назорат) синовларини ўтказиш.

- сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштиришда (ўтказилган синовлар тўғрилиги қисмида) қатнашиши.

Синов лабораториялар (марказлар) сифатида «Ўздавстандарт» ва унинг худудий органларининг лабораториялари, илмий – тадқиқий ва конструкторлик ташкилотларининг синов марказлари, бошқа турли мулкчиликка мансуб лаборатория ва марказлар аккредитланиш мумкин.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган органлар қуйидаги вазифаларни бажарадилар.

- сифат тизимларини дастлапки баҳолашни ўтказадилар ва серфикация ўтказиш учун шартномалар тузадилар;
- ишлаб чиқаришларни серфиктлаштириш усуллари ва сифат тизимларни текшириш дастурларини ишлаб чиқади;
- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқариш аудитини ўйказди;
- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқаришларга сертификатларни чизмайлаштириди, беради ёки тан олади;
- сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар устидан инспекция назоратини амалга оширадилар;
- сертификатлаштириш натижлари ҳақида маълумот берадилар.

Ўзбекистондаги синов марказлари. Миллий сертификатлаштириш тизимининг ташкилий тузилмаси:

- Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш органи (МСО) (Ўздавстандарт);
- бир жинсли маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича илмий-услубий марказ ва усулбуй марказлар;
- бир жинсли маҳсулотларни ва хизматларни, сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган органлар;
- аккредитланган синов лабораториялари (марказлари);
- *назорат органларидан* таркиб топган.

МСО Ўзбекистон қонунчилигига биноан қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- ЎЗРМСТнинг ягона қоида ва процедураларини, уларга риоя қилишнинг назоратини, сертификатлаштириш натижалари бўйича ҳужжатларни рўйхатга олишни, республика ва хорижий истеъмолчиларни информацион таъминотини жорий қилади;
- мувофиқлик белгисини ва уни қўллаш қоидаларини жорий қилади;

- ЎзРМСТни такомиллаштириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим этади;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда халқаро сертификатлаштириш тизимларига қўшиши ҳақида қарорлар қабул қилади ҳамда сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш ҳақида битимлар тузади;
- сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа давлатлар билан муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон номидан чиқади;
- сертификатлаштирилиши мажбурий маҳсулот ҳамда хизматлар рўйхатини шакллантиради ва юритади;
- республикада сертификатлаштириш ишларини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради ҳамда уларнинг тўғри ўтказилиши устидан назорат қилади;
- бир жинсли маҳсулот, сифат тизимлари, ишлаб чиқариш ва синов лабораториялари (марказлари)ни аккредитлайди;
- эксперт-аудиторларни аттестациялайди ва уларнинг фаолияти устидан назорат қилади;
- ЎзРМСТ Давлат реестрини юритади;
- маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича ишлар ва сертификатлаштириш органлари ҳамда синов лаборатория (марказ)ларни аккредитлаш учун тўлов шакли ва тартибини белгилайди;
- қоидалар бузилгани сабабли ЎзРМСТ мувофиқлик сертификати ва белгиси амалини бекор қилади ҳамда вақтинча тўхтатади, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) аккредитлангани ҳақида гувоҳномаларни бекор қилади;
- сертификатлаштириш ва аккредитлаш натижалари бўйича апелляцияларни кўради;
- ЎзРМСТ реестри асосида сертификатлаштириш бўйича информацияни нашр этади ва манфаатдор томонларга эркин фойдаланишни таъминлайди.

Кўрсатилган вазифаларни бажариш учун МСТ тадқиқот, илмий-техникавий, жамоат ташкилотлари, истеъмолчилар жамиятларини жалб қилади.

Ўзбекистон минтақаларида МСТнинг айрим вазифаларини, агар бу ваколатларни «Ўздавстандарт» уларга оширса, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ҳудудий марказлари (СМСХМ) бажариши мумкин.

«Ўздавстандарт» ўз вазифаларининг бир қисмини бир жинсли маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича марказий органларга ёки бош услубий марказларига топширишга ҳуқуқлидир.

СМСХМ қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ишлаб чиқарувчи (бажарувчи) ва маҳсулот етказиб берувчиларга сертификатлаштириш қоидалари ҳақида чизмай ахборот беради;
- марказий сертификатлаштириш органлари (МСО), бош услубий марказлари (БУМ) билан сертификатлаштириш процедуралари бўйича бир жинсли маҳсулотни сертификатлаштириш тизимлари доирасида ҳамкорлик қилади;
- сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш давлат назоратини амалга оширади ва улар сертификатлаштирилган маҳсулот устидан инспекция назорати ўрнатади;
- ҳудудда сертификатлаштирилган маҳсулот реестрини юритади;
- «Ўздавстандарт» топшириғи билан сертификатлаштириш бўйича ҳудудий органлар ва синов лаборатория (марказ)ларни сертификатлаштириш бўйича комиссияларни ташкил қилади ва уларнинг ишида иштрок этади, уларнинг фаолияти устидан инспекция назоратини амалга оширади.

Сертификатлаштириш ва назорат қилиш вазифаларини амалга ошириш учун СМСХМлар умумий қоидага асосан Ўз РСТ 5.2, Ўз РСТ 5.3 ва Ўз РСТ 5.4 га биноан аккредитациядан ўтиши керак. Аккредитациядан кейин СМСХМ синов турлари ва сертификатлаштирилган маҳсулот турларини аккредитлашнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Синов лабораториялар (марказлар) сифатида «Ўздавстандарт» ва унинг ҳудудий органларининг лабораториялари, илмий-тадқиқий ва конструкторлик ташкилотларнинг синов марказлари, бошқа турли мулкчиликка мансуб лаборатория ва марказлар аккредитланиши мумкин.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бўйича аккредитланган органлар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- сифат тизимларини дастлабки баҳолашни ўтказадилар ва сертификация ўтказиш учун шартномалар тузадилар;
- ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш усуллари ва сифат тизимларини текшириш дастурларини ишлаб чиқади;
- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқариш аудитини ўтказди;
- сифат тизимлари ёки ишлаб чиқаришларга сертификатларни чизмайлаштиради, беради ёки тан олади;
- сертификатлаштирилган сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришлар устидан инспекция назоратини амалга оширадилар;

сертификатлаштириш натижалари ҳақида маълумот берадилар.

Синовларнинг миллий тармоғи RNE олдига уч мақсад қўйилган эди:

1. Синов лабораторияларини аккредитатлаш тизимини яратиш ва бошқариш бўйича ишларни бажариш, шунингдек синов лабораториялари иши сифати ҳақида кенг маълумотни таъминлаш.

2. Қуйидагиларни амалга ошира оладиган миллий органни яратиш:

— *ўз ичига такомил ахборотлаш ва синов лабораториялар хизматларидан корхоналар бемалол фойдаланишини олган синовларнинг миллий сиёсатини;*

— *амалдагилар билан биргаликда синовлар янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича француз стандартлаштириш ассоциацияси (AFNOR) билан ҳамкорликда бўлиш;*

— *ишларни келишиши ва мувофиқлаштириш, лабораторияларни техникавий жиҳозлашга сарфланадиган капитал маблағларни оптималлаш.*

3. Хорижда фаолият кўрсатаётган ўхшаш аккредитатлаш тизимли лабораториялар томонидан ўтказилган синовлар натижаларини тан олишни таъминлайдиган давлат даражасидаги тузилмани яратиш. Бу мақсадлар деярли амалга оширилган.

RNE таркибига бешта энг катта тармоқли синов марказлари киради:

— Ёғоч ишлаш саноати техникавий маркази (CSTB);

— Амалий кимё илмий-тадқиқот маркази (IRCHA);

— Марказий электротехника саноати лабораторияси (LCIE);

— Марказий йўл-кўприк кўриш лабораторияси (LCPC);

— Миллий синов лабораторияси (LNE).

LNE ўлчамлар, масса, босим, ҳарорат ҳамда спектрорадиофотометрия, ионловчи нурланиш соҳасида ўлчаш воситаларини текширадиган энг катта синов ташкилотидир. Лаборатория стандарт намуналар ишлаб чиқаради.

LNE Германия миллий синов лабораториялари, АҚШ, Белгия, Голландия, Италия, Япония ва бошқа синов лабораториялари билан алоқани амалга оширади. Ундан ташқари, у ривожланаётган мамлакатларга метрология, синаш ва стандартлаштириш, тадқиқотлар ўтказиш, метрологик ва синов лабораторияларни яратиш, кадрлар тайёрлаш, қўшма тадқиқотлар ва бошқаларга ёрдам қилади.